

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Муסיқали, драматик театр ва кино санъати”

кафедраси мудири: Х.Кабилов

“.....” 2018 йил

“КЕЛИШИЛДИ”

“Театр санъати” факультети

декани:..... А.Курбанов.

“.....” 2018 йил

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ
ИНСТИТУТИ
ТЕАТР САНЪАТИ ФАКУЛЬТЕТИ**

“МУСИҚАЛИ, ДРАМАТИК ТЕАТР ВА КИНО САНЪАТИ”

КАФЕДРАСИ ДОЦЕНТИ З.Ахмедова

1-курслар учун

“Актёрлик маҳорати” фанидан

маъруза матнлари

**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари учун “Актёрлик маҳорати”
фанидан маърузалар матнлари тўплами**

ТОШКЕНТ-2018

Бакалавр (актёрлик маҳоратидан) маъруза машгулотларга тайёргарлик кўриш

КИРИШ

Санъат ва адабиётнинг жамиятдаги муҳим ўрни ва хусусиятларини инобатга олган ҳолда, Республикамиз раҳбарияти санъат соҳасида ёш мутахассисларни тарбиялашни янада такомиллаштириш юзасидан сўнги йилларда кўплаб муҳим қарорлар қабул қилди. Миллий театр мактаби бу борада кўлга киритган ютуқларини авайлаб-асраб уларга ижодий ёндошган ҳолда, келажакда театр санъатини янада юқори поғоналарга кўтаришга қодир мутахассисларни тарбиялаб чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Мазкур дастурда бўлажак мусиқали театр актёрларини ҳамда драматик театр актёрларини етиштириб чиқариш ва уларни тарбиялаш бўйича Асосий адабиётлар йўналишлар акс эттирилган.

Олий таълим тизимида юксак малакали, ижодкорлик ва ташаббускорлик қобилиятига эга, касбий ва ҳаётий муаммоларни мустақил ҳал қила оладиган, янги техника ва технологияларга тез мослашишга лаёқатли кадрларни тайёрлашда таълим жараёнини замонавий ўқув ва методик мажмуалар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

МАЪРУЗА МАТН

1-маъруза

Театр санъатининг узига хос хусусиятлари. Театр этикаси Актёрлик қобилиятини тарбиялаш.

Дарсинг ўқув мақсади:

Театр санъатининг жамиятдаги ўрни.

Талабанинг ички лаёқатини машғулоти ва билим ёрдамида очиш.

Асосий адабиётлар саволлар:

1. Маънавий-маърифий, ғоявий-бадний тарбия ўчоғи деб нимани атайм
2. Актёрлик санъати, унинг табиати ва ўзига хос хусусиятлари қандай?
3. *Бадний ижоднинг умумий шартлари қандай?*

Маъруза матни

Санъат турларининг, шу жумладан театр санъатининг юзага келиши, инсоннинг шу дунёда яшаши (яхши яшаши) учун кураши билан боғлиқдир. Театр санъатининг Дионис билан боғлиқ энг қадимги (антик) маросимлари ҳам, ундан кейинги тароққиёт босқитчлари ҳам фақат бир мақсад улуг гуманистик ғояни яъни инсоннинг инсон бўлиши, унинг камолот ўчун курашни кўзлаб келмоқда. Шу боис гуманистик театр ўзининг; Промитей, Эдип, Медея, Гамлет, Отелло, Карл Моор, Фердинанд, Алишер Навоий, Жалолиддин, Муқанна, Комилов, Амир Темур, Улуғбек, Ал Фарғоний, Алпомиш каби минглаб буюк образлари орқали ўз муҳлислари бўлмиш томошабинни маънавий баркамол, ғоявий улуғвор, нафосатли, назокатли, бўлишга, ватанпарварликка, садоқатга, илим-маърифатга интиштириб зиё эгаси бўлишга чорлаб келмоқда. Қадимги грек театрини олайлик Эсхил, Софокл, Еврипид ва Аристофанлар ўзларининг улуғвор трагедиялари, ижтимоий ўткир комедиялари орқали энг аввало эл-юрт манфаати, тинчлиги, фаровонлиги ғоясини, бир сўз билан айтганда ватанпарварлик ғоясини илоҳий даражага кўтариб қуйлаганларини биламиз. Улуғ Шекспир ва унинг ўтмишдошлари, Мольер, Шиллер, Пушкин, Чехов, А.Қодирий, М.Шайхзода, Ҳ.Олимжонлар тасвирда нозиклашиб инсон камолоти учун ҳалал бераётган, унинг оёғига тушов бўлаётган зарарли иллатларни аёвсиз фош этиш орқали инсонни яхшиликка, меҳ_р-оқибатга, саховатга, садоқатга, тўхтовсиз мукаммаллашишга чақирдилар. Ўзбек театрининг отаси М.Бехбудий ва бошқа ўзбек жаидлари, XX аср ўзбек маданиятининг энг йирик драматурглари, Актёрлари, актёрлари жаҳонда энг илғорлардан бўлган театр яратдилар. Ўз фаолиятлари билан ўзбек халқини тараққиётга, маънавий-маърифий мукаммаликка, ватанпарварликка, чорладилар. Бу йўлда кўп нарсга эришилди. Шу боис Ўзбек Миллий академик драма театри миллатимизнинг дорилфунунига айланди десак янглишмаймиз.

Ўзбек театри арбоблари А.Авлоний, М.Уйғур, Ҳамза, Ғ.Зафарий, А. Ҳидоятлов, З.Қобулов, Тамараҳоним, Сараҳоним, Турсуной, Нурҳон кабилар ҳаётлари учун ҳавфли бўлган даврлардаёқ элни-юртни маърифати, маданияти, маънавиятини учун дадил саҳнага чиққанлари, гўзалликка, руҳий озодликка, маърифатга чорлаганлари ҳақиқий мардлик, қаҳрамонлик бўлганини

тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Нима учун шундай қилдилар? Чунки ўз юртлири Туркистонни тенглар ичида тенг кўришнинг, ривожланган, маънан ва моддий бой бадавлат ва гўзал кўришни истадилар.

Ундан кейинги даврлар ўзбек сахнасига чиққан бирнеча авлод санъаткорлари, театрнинг азалий гуманистик анъанасини давом эттириб, юрт ривожини учун ҳормай толмай ишладилар. Юртимизнинг ҳозирги ривожланган жамолида уларнинг ҳам улуғ меҳнатларининг самарасини кўришимиз мумкин. Шу боис актёр санъати, у яратган образлар халқ учун доимо ўрнатқ, ибратдир. Улар масалан, Абдор Ҳидоятлов деганда Ғофир, Рустам, А.Навоий, Отеллоларга ҳос улуғ ҳислатларни кўз олдиларга келтирадилар. Ш.Бурҳонов деганда Улуғбек, Ялангтўш, Сулаймон ота, Эдипга ҳос захматкашлик, фидоийлик, мардлик тимсоллари кўз олдиларига келади. Обид Жалилов, Сора Эшонтўраева, Лутфихоним Саримсоқова, Зайнаб Садриева, Олим Ҳўжаевларни буюк санъаткор эл-юрт учун меҳнатлари, фидоийлар идеали сифатида биладилар. Улар ўзбек халқнинг ҳақиқий ватанпарварлари эдилар. Шундай бўлмаганда буюк ўзбек театрини, актёрлик, Актёрлик санъатлари, драматургиясини юзага келмаган бўларди. Улар ҳам сиз каби ёш бўлганлар, иқтидорли бўлганлар, ўқиганлар, санъат сирларини тинмай эгаллаганлар. Юксак натижаларини эса ана шу темир интизом, ахлоқ-одоб, чидам, сабр ва тоқат мевадидир. Сиз

азиз талабалар улардан ўрнатқ олсангиз. Юрт талабига, юртбошимиз талабига қулоқ солсангиз санъатда улуғ устозларнинг арзигули ворислари бўлиб етишишингиз, театр санъатимизни янада тараққий эттиришингиз шубҳасиз.

Дилетантизм услуб ва техникани рад этади. Дилетантизм театр мактабига зид оқимдир. Бу оқимга риоя қилувчилар актёрлик техникасини ва системасини, лаёқатини актёрларга керак. Техника ва система илҳомлага ҳалакит беради деб ишонтирмоқчи бўладилар.

Тақлидий санъат -- актёр репетиция пайтида ёки уйда актёр бир марта ҳақиқий, ҳаётини, кечинмани бошидан кечиради (шу учун уни санъат дейилади) ва ёдлаб олади. Аммо томошабин учун спектакльни ўйнаганда, кечинма йўқолади репетицияда қилган ишларини фақат кўрсатиб беради. Тақлидий санъат репетиция пайтида ёдлаб олинган кечинма шаклини, қайтариш, кўрсатиш. намоиш қилишдир.

«**Кечинма санъат**» - ролда инсон руҳини ҳаётдагидай, ҳар гал қайта гавдалантиришдир. 1>у санъат томошабин онгини ва ҳиссийетига чуқур таъсир кўрсатади. Шу учун кечинма санъат-самимийлик, ҳақиқат ва ҳаётини ўз ичига олади.

Актёрлик касбинини кўп тармоқли ижодий фаолият ва тасаввур қилаолиш салолҳиятига эга ,чуқур билим ҳамда актёрлик маҳоратини сирларини мукаммал эгаллашликни талаб қилади. Актёрлик касбинини каби бир қанча соҳа мутахассислигини,кўп қиррали иқтидор ,маҳоратни талаб қиладиган соҳа кам учрайди.

Шунинг учун Актёрлик касбинини эгаллашга бел боғлаган талаба.кўплаб ижодий соҳа билимларига эга бўлишидан ташқари ,табиатан шу соҳага лаёқатли бўлиши зарур. Актёрлик соҳасига лаёқатини бўлмаган талабани ,турли узлуксиз машқлар ёрдамида маълум кўникмаларга ўргатиш соҳага зарур

билимлар билан қуроллантириш мумкин.Бироқ талабанинг ўзида туғма профессионал лаёқат бўлмаса,ҳеч қандай машғулот ва билим унга ёрдам бераолмайди.

Профессионал лаёқат деганимизда нималарни назарда тутамиз?

Профессионал лаёқатни шартли тарзда уч гуруҳга ажратиш мумкин.

1.Бу гуруҳга санъатнинг ҳар бир соҳасига таълуқли бўлган (музыка,тасвирий санъат,театр,адабиёт) ижодкорлик салоҳиятини киритиш мумкин.

2. 2.Бу гуруҳга санъатнинг барча соҳаларига хос бўлган салоҳият билан биргаликда,Актёрликка хос бўлган ташкилотчилик қобилияти бўлмоғи лозим.

3.Бу гуруҳга Актёрликка хос бўлган салоҳият билан бирга актёрлик маҳорати,актёрликка хос энг Асосий адабиётлар қобилият мавжуд бўлишлиги зарар.

Бадиий ижод учун зарурий бўлган қобилиятнинг нечоғлик ривожланганлигини кўриб чиқайлик.

Бундай қобилиятнинг биринчи шarti,ижодкорни ўз ички ҳис –ҳаяжони бадиий таъсуротини изҳор этиш,кўрсатиш,айтиб беришга бўлган кучли ихтиёждир.Манга шу ихтиёждан келиб чиққан ҳолда ,ўз билими,тафаккурини,хаётий кузатувларини тинимсиз бойитиб боришга бўлган изланишларидан иборатдир.Агар кўрган ва билган нарсаларини ихзор этиш учун қалбининг ич-ичидан тинимсиз ташқарига чиқишга, одамларга айтишга,одамлар билан баҳам кўришга ўзида кучли ихтиёж бўлмаса,бу соҳадагаи барча сайъи ҳаракатлари зое кетади.

Кузатувчанлик ,масаввур,фантазиянинг касбий аҳамияти

Санъатнинг қайси соҳасида бўлмасин ижодкорнинг синчковлиги катта аҳамиятга эга.Синчков бўлмай туриб хаётни чуқур билиш мумкин эмас.Хаётни чуқур билмай туриб яратувчанлик билан шуғулланиш,санъат билан шуғулланиш мумкин эмас .

“Шундай инесонлар борким,-деб ёзган эди К.С.Станиславский-бундайлар табиатдан ўта сезгир ва синчиков бўладилар.Улар беихтиёр тарзда кузатувчан бўлиб,атрофида рўй бераётган ходиса ва воқеларани сезадилар кўрадилар хотираларида умрбод сақлаёладилар .Устига-устак кўрган ва сезган.кузатганлари орасидан қизикроқ,муҳимроқ,гўзал ва типик хусусиятга эга бўлганларини саралаб оладилар.Бундай инсонлар билан суҳбатлашганингда,кўпчилик одамларнинг эътиборидан четда қолган воқеа ва ходисаларни,сезмасдан кўрмасдан ўтқазиб юборганликларини гувоҳи бўламиз.”

Сезгирлик ва кузатувчанликнинг бир неча қирраси бор.У ёки бу санъат тури тўғрисида фикр юритсак,кузатувчанликнинг ўша соҳага таълуқли қиррасини кўрамиз.Фақат айрим мураккаб санъат турларигина кузатувчанлик ва сезгирликнинг барча қирралари иштирокини талаб қилар экан. Шунга қарамай барибир кузатувчанлик ва сезгирликнинг алоҳида бир қирраси устивор бўлишлигини талаб қилар экан.

Мисол учун тасвирий санъатда рассомдан ранглар,чизиклар,хошиялар,нур ва сояларни сезишликни талаб қилса,хайкалтаръёёшдан буюмларнинг ташқи пластик шаклини ,майдон макон ва замондаги ҳолатини.ҳажми баланд-

пастлигини сезишликни талаб қилар экан.Муסיқачи эса.кўриш ва сезишдан ташқари атрофдаги оҳанг,товушларни эшитаолишлик қобилиятини талаб қилади.

Ёзувчидан эса бунданда мураккаброк,сезгирлик кузатувчанлик талаб қилинади.Ёзувчи томонидан яратилган тимсоллар,воқеа ва ходисаларни ўқувчи кўз олдига келтирибгина қолмай,тасвирланган манзараларни сезиши,гўзалликни,ҳис этиши нафис ҳидлар димоғига урилиши,тамини татиб кўргандек бўлиши керак.

Актёрлик санъатидаги кузатувчанлик ва сезгирлик ўзгачароқ сифатга эга бўлиши керак.Сабаби актёр сахнадан туриб инсоннинг хулқи одоби,юриш туриши,хатти-ҳараакатини акс этдириши лозим бўлгани сабабидан,актёр инсоннинг табиатига хос бўлган хусусиятларнинг турли кўринишларини ўрганиши кузатиши керак бўлади.Актёр инсон табиатини ўрганар экан,бошқа санъат турлари мутахиссислари каби бешта сезгисни ишга солади. (албатта бунда кўпроқ кўриш ва эшитиш каби фаолиятга кўпроқ ўрин берилади)Лекин бошқа санъат мутахассисларидан фарқли ўлароқ актёр яна бир сезгисини ҳам ишлатаолиши талаб қилинади.Худди мана шу сезги актёрлик санъатида муҳим аҳамиятга эга .Бу сезгини қабул қилишнинг **мушаклар ёки мотор** сезги ҳам дейиш мумкин.

Инсон хатти-ҳаракатини кузатётган актёр,ҳаёлан ўша ҳаракатларни такрорлашга “ўйнашга” интилади.Гарчанд актёр ўз объектини кузатар экан,ташқаридан қараганда у, ҳаракатсиз турган бўлсада,унинг ички мушаклари кузатилаётган объектнинг ҳаракатларини келтириб чиқарувчи **бошланғич турткиларини такрорлашга интилади.Худди мана шу бошланғич турткилар** орқали кузатилаётган объектнинг хатти-ҳаракатлари актёрнинг мускуллари хотирасида сақланиб қолади. Актёр мазкур шахсга ўхшаган образларни сахнада акс этдиришига тўғри келган вақтда мушаклар хотирасида сақланиб қолган бошланғич ҳаракатлар ишга тушади ва тимсолнинг киёфаси тўлалигича намоён бўлади.Демак актёр объектни фақат кўз ва қўлоқлар орқалигина ўрганиб қолмай, мушаклари орқали ҳам кузатар экан.Агар инсонда табиатан шундай мушаклар кузатиши бўлмаса бундай одамдан актёр чиқиши амри маҳол.

Мушаклар орқали кузатиш фақат аткёрларгагина хос бўлиб қолмай, санъат ва ижоднинг бошқа соҳа мутахассисларининг асарларида инсон фаолиятининг вақт ва замон бирлигида кечадиган жараёнини акс этдирса мушаклар орқали кузатиш жараёни иштирок этади.Ёзувчи қаҳрамоннинг ҳаракатини сўзлар ёрдамида акс этдиради.Тасвирий ва хайкалтарьёбошлик санъатида инсонлар ҳиссиётига таъсир ўтказиш орқали,тасвирланган шахс ёки буюмни гўё айни ҳаракатланиб турган вақтида ҳаёт бағридан юлиб олиниб расмда акс этдирилгандек туюлади.Демак улар томоша қилувчининг ҳаёлида ҳаракатлана бошлайди.Ҳаракат жараёни рассомнинг тасаввурида пайдо бўлади,сўнгра уни кўраётган томошабин тасаввурига кўчади.

Хақиқий санъатнинг қудрати ҳам шундаки, у томошабин тасаввурини уйғотади,ҳаракатсиз манзара, тасаввур қудрати орқали ҳаракатланувчи манзарага айланади.

Назорат савол ва топшириқлари:

1. Санъат ҳақида ту шунчаларингизни гапириб беринг.

2. Тақлидий ва кечинма санъатининг фарқи?

.3.Кузатувчанлик ,тасаввур,фантазиянинг касбий ахамияти?

4..Саҳнадаги актёр вақт ва замон бирлигида қандай ҳаракат қилиши мумкин?

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Маҳмудов Ж., Маҳмудова Ҳ. Режиссура асослари. - Т., 2008.
2. Сайфуллаев Б., Маматқосимов Ж. “Актёрлик маҳорати”. Т.:”Фан ва технологий” нашриёти . Дарслик. -2012.
3. Маҳмудов Ж. Маҳмудова Х. “ Актёрлик маҳорати”. - Дарслик. Т., 2008.
Ашурова М.Ҳ. Қўғирчоқ театри санъати актёрлик мактаби. Дарслик. –Т., 2007.

Қўшимча адабиётлар

1. Усмонов Р. «Режиссура». «Фан» Ўқув қўлланма. Т. 1997
2. Маҳмудова Ҳ. Актёрлик маҳорати. —Ўқув қўлланма. Т.: ЎзДСИ, 2008.
3. Юсупова М.Р. Упражнения по актёрскому тренингу. -Ўқув қўлланма. – Т., 2005.
4. Ашурова М.Ҳ. Қўғирчоқ театри актёри бўлими талабаларида қўғирчоқнинг бадиий ифодалаш хусусиятини тарбиялаш. —Ўқув қўлланма. Т., 2006.
5. Сундукова В.Н., Аҳмедова З.А. “К.С.Станиславский системаси атама ва унсурлари”. – “УМЕД” -Ўқув қўлланма. Тошкент, 2012.

Интернет ва Зиёнет сайтлари

1. www.мулоқот.уз
2. www.вазирлик.уз
3. www.уздсми.уз
4. www.инсититус.уз
5. www.парлиамент.гов.уз
6. www.гов.уз
7. www.уза.уз

2-маъруза

Диққат, тасаввур ва фантазия.

Дарсининг ўқув мақсади:

Талаба 1-курснинг 1-кунидан «Диққат» “Тасаввур ва фантазия” кабм актёрлик махорати унсурлари билан яқиндан танишмоғи лозим. Чунки унинг бутун ижодий фаолияти мана шу унсурлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Асосий адабиётлар саволлар:

1. Диққатни йиғиш учун биринчи қадамларни нимадан бошласа бўлади?.
2. . Диққат турлари нечта?.
3. Актёр учун тасаввур ва фантазиянинг аҳамияти?

Маъруза матни

Диққат элементи бу бутун диққатни сахнавий объектга қарата билиш кўриш, эшитиш, сезиш орқали ундан келаётган импульсларни қизиқиш билан қабул қилиш ва унга мос зарур ҳатти ҳаракатлар қилишдир. Артист на фақат сахнада, хаттоки ҳаётда ҳам диққатли, кузатувчан бўлиш керак. Атроф-ҳаётда актёр эътиборини нимаинки тортса, у барча диққатини шунга қарата билиш керак. Кузатаётган объектини фақат сиртдан эмас ичидан ҳам кузатиш керак. Талаба биринчи ўринда тўғри кўриш, эшитишни ўрганиши мақсадга мувофиқдир. Бунда фақат ёмонлик ҳолатларинигина эмас балки гўзаллик ва саховат ҳолатларини кўпроқ кўриш, эшитишга интилиш керак. Гўзаллик, ҳайри-саховат қалбларда, буюк хиссиётлар уйғотади.

Табиат - бу гўзаллик. Аввалига гул, барг, деразадаги музлаган қор нақшларини чизган ижодкор табиатнинг ишини кузатинг. Буларда сизга айнан нима ёқаётганини, сўз билан изоҳланг. Табиатга зулмат ва қоронғулик ҳолларини ҳам таҳлил қилаётганда, аввало ундаги гўзалликни, яхши томонларини топишга ҳаракат килинг. Сиз кузатаётган объект ҳақида қарата, ўзингизга қуйидаги саволларни беринг: Ким?... нима?... қачон?... қаерда?... нимага?... нима учун...? ва ҳакозолар.

Олайлик диққат билан одамларни кузатыпсиз. Масалан паркда. Бир кампир коляска судраб ўтиб борапти. Коляска ичида бола эмас, қафас, унинг ичида қуш. Балки кампир, қафас оғирлиги учун уни коляскага солгандир: Аммо, актёр ижодий хиссиётларини ишга солса, уни бу кампир бола - чақасидан айрилганлигини, қачонлардир шу ерда навараларини коляскада сайр қилдирганлиги кўз олдида келтириши мумкун. Шундай қилиб, талаба-ижодкор, диққат машқи орқали дарсхонада бадий-эмоционал сахна яратиши мумкин.

Сиз кузатаётган инсоннинг ички дунёси унинг муомаласи, фикри, бирор нарсага интилиши орқали ёки шарт - шароит таъсири билан очилса - диққат билан шу интилиш ва ҳолатларни кузатинг, шароитни ўрганинг, ўзингиздан сўранг - нимага бу одам бундай қилди? Ҳаёлида нима бор эди?

Диққат, шартли-ихтиёрий ва шартсиз-беихтиёр бўлади. Диққатнинг элементар шакли - бу шартсиз -беихтиёрийликдир.

Масалан, чақалоқ атрофидагиларга ўз муносабатини билдиради. Рангли, ялтироқ ўйинчоқни кўрганда, беихтиёр ўз диққатини шунга қаратади. Бу ерда кўраётган шахс субъект - чақалоқ. Диққат қаратилган нарсa объект эса - ўйинчоқ. Беихтиёр диққат вақтида субъект ўз ичига объектни қамраб олмайди. Аксинча, объект субъектнинг диққатини ўзига тортади. Беихтиёрий диққат пассив диққат. Зеро, у - онгсиз равишда амалга ошади. Ихтиёрий диққат эса аксинча, инсон онги билан боғлиқ. Шу учун у актив характерга эгадир. Ихтиёрий диққатда объект қизиқарли бўлганлиги учун эмас, субъект онгида кечаётган жараён фаол аналитик бўлгани учун, диққатни тортади. Ихтиёрий (шартли) диққатда объект фақат ўзига хос томони бўлгани учун эмас, субъект онгида ҳосил бўлган жараён сабабли, диққат марказига айланади.

Агар Актёр кўриш орқали кузатмаган бўлса, бундай ҳаётийликни сахнада қандай акс этдириши мумкин?

Шунингдек Актёр учун эшитиш орқали кузатиш ҳам керак бўлади. Агар драматург учун одамларнинг гапини эшитиш, нималар тўғрисида баҳслашаётганига диққатини қаратиш лозим бўлса, Актёр буларга кўшимча равишда уларни қандай гапириши, оҳанги, талаффузига ҳам диққатини қаратиши зарур. Буларга кўшимча Актёр турли овоз ва талаффузларда гапираётган ижрочилар товушидан оркестр ҳам ташкил этаолиши керак. Мусикий қобилияти- (слух) бўлмаган одам ҳам Актёр бўлаолмайди. Ва ниҳоят хайкалтаръёош каби Актёрда ҳам нафис, ифодавийлик ҳиссиётлари ривожланган бўлиши лозим. ”Мизансаҳналар усталик билан курилган спектакльёош экан” деган ибора беҳуда бўлмаса керак. К.С.Станиславский, Е.Б.Вахтангов, В.Э.Меерхольд, М.Уйғур, Я.Бобожонов, Т.Х.Хўжаев каби устозлар асар қаҳрамонларининг таъсирчан ва ифодали-пластик рамзий хусусият ва ҳолатларини сахнада маҳорат билан акс этдира билганлар. Юқорида айтиб ўтганларимиздан хулоса қиладиган бўлсак Актёрнинг бешта сезги аъзолари ҳамиша фаол ишлаши борлиқни фаол кузатиш ва ўрганишдан тўхтамаслиги керак экан. Булардан ташқари Актёр сахнадаги актёрнинг ижодий фаолиятини бошқаришни ҳам билиши керак бўлади. У ҳаётни ҳам актёрдек кузатишни ўрганиши, хотирада сақлай олиши зарурдир.

Демак Актёрнинг кузатувчанлик қобилияти серқирра ва ўта мураккаб экан. Шунинг учун Актёрнинг ижоди бир томондан қизиқарли бўлиши билан бирга кўп қиррали қобилиятни талаб қилар экан. Айтиб ўтилганларга кўшимча равишда Актёрда яна иккита муҳим ҳислат мавжуд бўлиши зарурдир. Булар: - **Тасаввур.** - **Фантазия.** Бу атама бир-бири билан ёнма-ён ишлатилиши туфайли улар бир маънони англатади деган тушунча ҳам мавжуд.

Ҳар бир ижодкорда шу икки нарсa бўлиши зарур. Хатто бошқа илм соҳасида фаолият олиб борувчилар учун ҳам бу нарсa керак. Хўш **фантазия**нинг ўзи нима экан?

Ижодий фантазия - ортирилган тажрибаларни умумлаштирган ҳолда маълум мақсад йўдида фойдаланишдир. Фантазиядан бундай усулда фойдаланиш санъатдан ташқари бошқа соҳаларда ҳам илмий изланишлар олиб бориш жараёнида фойдаланилади. Яъни фантазия ортирилган тажрибаларни умумлаштириб турли шаклларда фойдаланилар экан.

Мисол учун шарқ эртаклари қаҳрамонлари тимсолини олиб кўриш мумкин. Улар фантастик қаҳрамонлар бўлиб ҳақиқий ҳаётда учрамайдилар.

Кўп эртакларда бахайбат дев тимсоли бор.Хақиқий ҳаётда дев бўлмайди.Лекин девнинг ўзи ким?Унинг ташқи кўриниши бахайбат,аъзойи баданини қалин жун қоплаган,Пешонасида битта кўзи бор.Оёқлари туёқдан иборат.Хаётимизда кўз бор,туёқ бор.Аммо уларнинг одамда бўлиши эҳтимолдан узоқ.Лекин унинг ички дунёси бизга яхши таниш.Ўта раҳимдил.Эгасига сидқидилдан беминнат хизмат қилади.Бундай шахслар ҳам ҳаётимизда мавжуд.Демак унинг ташқи ва ички фазилат ва нуқсонлари кундалик ҳаётда кўрган билган тажрибалардан келиб чиқиб фантазия ёрдамида бир шахсда мужассамлаштирилган.Энди **тасаввур** фантазия ёрдамида яратилган объектнинг ҳаракатини,хис-туйғуси,сезгиларини яъни ички кечинмаларини яратади.**Фантазия** ижодкорнинг ақлий фаолияти билан боғлиқ бўлса, **тасаввур** унинг ички кечинмалари билан боғлиқ экан.Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин экан.

Актёрда ҳам санъатнинг бошқа соҳа мутахассиларида бўлганидек инсон сезгиларининг бештаси иштирок этган ҳолда кўшимча тарзда унинг фантазия ва тасаввури ҳам ишлар экан.Тасаввур ва фантазия ёрдамида Актёрнинг тимсолий тафаккури ишга тушади.Ишга тушишининг ўзи камлик қилади.Актёр тимсолий тафаккур ёрдамида яратган вазиятда, ҳаёлан воқеа иштирокчиларига айланиб тасаввурий ҳаракат ҳам қилабошлайди .Актёр тасаввурида яратилган тимсоллар кўради,эшилади,сезади,хид,таъм билади,хис этади. Актёр учун бунинг ўзи камлик қилади.У ўз тасаввурида яратган тимсол қиёфасига кириб ,мушаклар сезгиси ёрдамида ҳаёлан ҳаракатга ҳам келтиради.Ана шу мушаклар сезгиси орқали бошланғич туртки бўлган ҳиссиётларни Актёр актёрга ўтқозишга ҳаракат қилади.

Шунингдек Актёрлик фаолиятида вақт ва макон,замонни доимо хис этишлик,уларнинг узлуксиз ҳаракат динамикасини сезиб туришлик муҳим аҳамиятга эга.Актёр шу ички (интуитив)сезгиси орқали спектакльёъ мейёр ва маромини ҳамиша назорат қилиб туради.Ҳар бир одам ёки одамлар жамоаси маълум маром билан ҳаракат қилади.Унинг сурати турлича тезликда бўлиши мумкин.Шунингдек мушаклар ҳам ички асаб хужайраларининг ҳарорати турлича бўлиши табиий бўлиб вазият тақозасидан келиб чиқиб ҳамиша ўзгариб туради.Маром инсон фаолиятининг ташқи кўриниши бўлибгина қолмай у ички ҳиссиётларини ҳам тартибга солиб туради.Шу билан бирга ҳар бир одамнинг ўзигагина хос бўлган маром ва сурат бордир.Турли вазиятда турли одам турлича хис этади,муносабат билдиради.

Бир сўз билан айтганда,ташқи ва ички ҳаракат мейёри ҳар бир инсонда ўзгача бўлганидек,ҳар бир миллатда,ҳалқда,ўлка ва шаҳарда,минтақада,жой ва шароитда(тўйда,азада,ошхона,ресторан,бекат,аэропорт,ҳиёбонда)турлича бўлади.Шунинг учун сахнада кечадиган ҳар бир ходиса,воқеанинг маром ва сурати ҳам турлича бўлиши керак .Спектаклнинг ана шу мейёр ва суратини топмасдан туриб асарни сахналаштириш мумкин эмас.

Назорат савол ва топшириқлар:

- 1.Тасаввур ва фантазия учун ўзингиз янги машқлар топиб келинг.
2. Инсонлар ички дунёси қай тарзда ўрганилади?
- 3.Табиатни кузатинг ва пластика орқали кузатганингизни бадийлаштиринг.

Асосий адабиётлар

4. Сайфуллаев Б., Маматқосимов Ж. “Актёрлик маҳорати”. Т.:”Фан ва технологий” нашриёти . Дарслик. -2012.
5. Маҳмудов Ж. Маҳмудова Х. “ Актёрлик маҳорати”. - Дарслик. Т., 2008.
- Ашурова М.Х. Қўғирчоқ театри санъати актёрлик мактаби. Дарслик. –Т., 2007.
6. Маҳмудов Ж., Маҳмудова Х. Режиссура асослари. - Т., 2008.
7. Жалилова Ф.-“Грим”-“ Наврўз” нашриёти -Т., Дарслик. 2014.

Қўшимча адабиётлар

6. Маҳмудова Х. Актёрлик маҳорати. —Ўқув қўлланма. Т.: ЎзДСИ, 2008.
7. Усмонов Р. «Режиссура». «Фан» Ўқув қўлланма. Т. 1997
8. Юсупова М.Р. Упражнения по актёрскому тренингу. -Ўқув қўлланма. – Т., 2005.
9. Ашурова М.Х. Қўғирчоқ театри актёри бўлими талабаларида қўғирчоқнинг бадиий ифодалаш хусусиятини тарбиялаш. —Ўқув қўлланма. Т., 2006.
10. Сундукова В.Н., Аҳмедова З.А. “К.С.Станиславский системаси атама ва унсурлари”. – “УМЕР” -Ўқув қўлланма. Тошкент, 2012.
11. К.С.Станиславский – Актёр ўз устида ишлаши –Т.Хўжаев таржимаси - Ўқув қўлланма. Т..2010.
12. Юсупова М.Р. История профессиональной режиссуры Узбекистана.–Т.: ЎзДСИ, 2004

Интернет ва Зиёнет сайтлари

1. www.мулоқот.уз
2. www.вазирлик.уз
3. www.уздсми.уз
4. www.институтс.уз
5. www.парлиамент.гов.уз

3-маъруза

Бўлажак Актёрларни профессионал салоҳиятини тарбиялаш.

Дарсинг ўқув мақсади:

Актёр ва Актёр учун бошланғич курсда ишлаган машқлари, кейинчалик ижодий фаолиятида доим керак бўлади. **Бўлажак Актёрларни профессионал салоҳиятини тарбиялашда машқларнинг аҳамияти катта..**

Асосий адабиётлар саволлар:

1. Актёр талабалар учун биринчи қадамларда қандай машқлар аҳамиятлироқдир?

Маъруза матни

Машқлар билан жиддий шуғулланишдан кўзланган мақсад,бўлажак Актёрларда,хаётни сахнада ҳаққоний акс этдира олиш билан бирга томошабинни чуқур фикрлашга ундайдиган ,сахнада бўлиб ўтадиган воқеаларга Актёрнинг муносабатини таъсирчан воситалар орқали акс этдира олиши салоҳиятига эга бўлишдан иборатдир

Дастлабки машқларда Актёрларда кузатувчанлик салоҳиятини ўстириш ва тарбиялашга қаратилгандир.

Амалий машғулотларга ўтишдан олдин ўқитувчилар учун айрим эслатмалар тавсия қилинади.

Режиссура фанидан ўтиладиган дарсинг дастлабки соатида Актёрларда сахнага нисбатан ҳурмат ҳиссини уйғотиш, кейинги дарслар учун дастлабки босқич бўлиши зарур.

Дейлик, дарсга кирган ўқитувчи сахнада(дарсхонадаги сахна учун ажратилган бўлак) икки-уч талабани бемалол гаплашиб,қўлни чўнтакка солиб тургани ёки икки талаба бир-бири билан ўйнашаётганини кўрган ўқитувчи ,уларни уришмасдан ,талабаларни жой-жойига ўтқозиши ва дастлабки суҳбатни сахнага бўлган ҳурмат,бошқа халқларда сахнага билдирадиган эҳтиром,уни муқаддас эканлиги,бундай сахналарда буюк актёрлар ижод қилганлиги ва ниҳоят Актёр ўз санъатини иқтидорини,салоҳиятини шу сахнадан туриб намойиш этаолиши мумкинлигини уқдирмоғи лозим.

Иккинчидан: Театрда Актёр юриш-туришда,кийинишда,муомила маданияти ва ҳулқи-одобини билан театр жамоаси ўртасида ўрнатилган қўрсатиш лозим.Демак бўлажак Актёрларнинг эстетик ва этик тарбиясига талабаларнинг илк соатлариданоқ эътибор қаратмоқ зарур.Актёрлик курсининг талабалари ўқув юртидаги бошқа талабаларга шарму-ҳаёси,хулқи-одобини,кўпчилик орасида ўзини тутиши билан мунтазам ўрнатилган қўрсатиш муҳимдир.Бунда суҳбат ва тарбиявий соатлар ўқитувчи томонидан, вақти-вақти билан олиб борилмоғи шарт.

Назорат савол ва топшириқлар:

1. Ўқитувчи топшириғидан сўнг ўзингиз шу мавзуга тегишли янги машқлар топиб келинг.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

8. Маҳмудов Ж., Маҳмудова Ҳ. Режиссура асослари. - Т., 2008.
9. Сайфуллаев Б., Маматқосимов Ж. “Актёрлик маҳорати”. Т.:”Фан ва технологий” нашриёти . Дарслик. -2012.
10. Маҳмудов Ж. Маҳмудова Х. “ Актёрлик маҳорати”. - Дарслик. Т., 2008.
Ашурова М.Ҳ. Қўғирчоқ театри санъати актёрлик мактаби. Дарслик. –Т., 2007.
11. Жалилова Ф.-“Трим”-“ Наврўз” нашриёти -Т., Дарслик. 2014.
12. Абдуллаева М.-“Драматик театр ва кинода актёрлик маҳорати”-“Тафаккур қаноти” нашриёти -Дарслик. Т.,2014.

Қўшимча адабиётлар

13. Усмонов Р. «Режиссура». «Фан» Ўқув қўлланма. Т. 1997
14. Маҳмудова Ҳ. Актёрлик маҳорати. —Ўқув қўлланма. Т.: ЎзДСИ, 2008.
15. Юсупова М.Р. Упражнения по актёрскому тренингу. -Ўқув қўлланма. – Т., 2005.
16. Ашурова М.Ҳ. Қўғирчоқ театри актёри бўлими талабаларида қўғирчоқнинг бадиий ифодалаш хусусиятини тарбиялаш. —Ўқув қўлланма. Т., 2006.
17. Сундукова В.Н., Аҳмедова З.А. “К.С.Станиславский системаси атама ва унсурлари”. – “УМЕД” -Ўқув қўлланма. Тошкент, 2012.
18. К.С.Станиславский – Актёр ўз устида ишлаши –Т.Хўжаев таржимаси -Ўқув қўлланма. Т..2010.
19. Юсупова М.Р. История профессиональной режиссуры Узбекистана.—Т.: ЎзДСИ, 2004

Интернет ва Зиёнет сайтлари

8. www.muhoqot.uz
9. www.vazirlik.uz
10. www.uzdcmi.uz
11. www.институт.uz
12. www.парлиамент.гов.уз

Хаётда тўқнаш келадиган воқеа ва ҳодисаларни кузатиш

Дарсинг ўқув мақсади:

Кундалик тутишга ўзида кўникма ҳосил қилиш учун талаба ўзи учун маълум тартиб ўрнатиб, унга итоат этишга одатланса, бундай ёзувларни ёзиб бориш кундалик заруриятга айланиб қолади.

Асосий адабиётлар саволлар:

1. Дафтарга нималарни ёзиб бориш лозим?

Маъруза матни

1. *Кузатиш дафтари.* Хаётда тўқнаш келадиган воқеа ва ҳодисаларни **кундалик дафтарда** мунтазам равишда қайд қилиб боришга одатланиш талаба учун, кейинги ижодий фаолият давомида жуда қўл келади.

-Инсон зотиға хос бўлган барча фазилат ва нуқсонлар (гаплашиш оҳанги, қўл ҳаракатлари, чеҳрасидаги ўзгаришлар) уларнинг ташқи кўриниши, уст-боши, одати, шеvasи, кутилмаган воқеа-ҳодисага рўпара бўлганида ўзини тутиши ҳолатлари, турли воқеалар кечган жойлар, табиат ҳодисалари в.х.к.з.лар.

Қайд этиладиган ёзувлар қисқа, лўнда, сермазмун, ўқиган одамға таъсир ўтказадиган бўлиши муҳимдир. Ёзувда, кишининг идрок ва ҳиссиётиға таъсир кўрсатадиган иборалар, вазиятлар, сезги аъзоларини кўзғатадиган унсурлар қайд этишили лозим, токим бу ёзувларни кўздан кечириш чоғида кишининг фантазия ва тасаввурни кўзғатишға туртки берсин.

Мисол учун: Бир куни одамларнинг юриш-туришини кузатса, эртасиға уларни қандай овқатланиши, еб-ичишини кузатади, учинчи куни китоб ёки газета ўқиётгандаги кўринишини дафтарға қайд этиши мумкин.

Агар Актёрлик курси талабаси ўз олдиға шундай мақсад қўйса, зарур бўлган жойларда ҳам кундалик ишини бажариш баробаринда, ижодий кузатувни ҳам олиб бориши мумкин. (магазин, сартарошхона, маҳкама-идора, ошхона) Ўзи бўлган жойларида инсонларнинг бир-бириға бўлган муносабатини, муомиласини, юриш-туришини, хордиқ чиқаришини, якка ўзи қолгандаги ҳаётини бемалол кузатиш имконига эға бўлади. Айни шундай жойларда инсонларнинг ўзи учун муҳим бўлган типик ҳолатларини илғаб олади. Кўрган эшитганларини айнан қандай бўлса шундайлиғиға ёзмай, ўзи учун зарур бўлган қисқа, лўнда ибораларда қиёсий мисоллар билан тимсолий кўринишда акс этдириши лозим. Талабада расм чизиш қобилияти бўлса нур устиға аъло нур бўлади. Айрим вазият ҳолатларни аксини тушириб қўяди. Агар талаба суръатға олишни билса, бундай кузатувларини расмға тушириб қўйши керак.

2. *Актёр ҳикояси.* Актёр қизиқарли тарзда ҳикоя қилиб беришни ўрганса, дафтардаги ёзувларининг қиймати яна ҳам ортади. Талаба кўрган эшитганларини дафтарда қайд этганидан сўнг, уларни ўртоқлари, таниш-билишлари, яқинларига гапириб берса хотирасида мустаҳкам ўрнашиб қолади. На фақат таниш-билишларға гапириб бериш, балким биринчи курс талабалари машғулот жараёнида “ким қизиқарлироқ гапириб бериши мумкин” деган мусобақа тарзда ўтқазилса яна ҳам фойдалироқ бўлиши аниқ. Бундай гапириб

бериш чоғида хикоянинг жонли,қизиқарли,муқояса,ўхшатма ва рамзий маъноларига эътибор қаратиш лозим.Чунки, кейинчалик Актёр актёр билан ишлаш жараёнида .албатта актёрни қизиқтира олиши,ўз ортидан эргаштира билиши зарур бўлади.

Кундаликдаги ёзувлар ҳам, хикоя қилиб беришлар ҳам талабанинг бешта сезги аъзолари иштирокидаги фаолияти маҳсули ҳисобланади.Аммо Актёр актёр каби олтинчи- мушаклар турткиси орқали ҳам кузатиш,қабул қилиш салоҳиятига эга бўлиши зарур.

*3.Актёрнинг кўрсатиб бериши.*Талаба ўзи кўрганларини ҳаёлан ўзи бажариб кўришга ҳаракат қилиши керак бўлади.Аввалига ички мушаклар ҳаракати орқали, бошланғич турткиларни ҳис этиши, сўнгра ташқи жисмоний хатти-ҳаракатлар орқали ўзи кўрган ходиса ,воқеаларни ижро этишга одатланиши лозим. Яъни ўзини ўзи кўрган одам ўрнига қўйиб,ўша ҳаракатларни, ўша характерда ижро этишга уриниб кўриш керак.Бунда ўша одамнинг ўзига таъсир қилган ҳаракати,имо-ишораси,қўл ва кўз қараши,овқат ейиши,кетмон,теша ушлашини эсда қолган хусусиятларини,фақат ташқи жиҳатларини эмас,айни ўша ерда ўзи тургандай ва бу ҳаракатларни ўзи томонидан ўша шароитда қандай бажариши мумкинлигини такрорлаши керак.Бунда ўзининг ички ва ташқи ҳолати,хатти-ҳаракатини ишга солиши зарур.Ҳар сафар маълум хатти-ҳаракатни бажаришда унинг ички ва ташқи психофизик ҳолатини,айни шундай шаклда ҳаракат қилишга туртки бўлган омилларни ички кучни,турткини топишга интилиши лозим.Нима учун шундай вазиятда, айна шундай ҳаракат қилишга мажбур бўлди?Нима учун оёқларини шундай ташлади,бир гап эшитганда юзини буриши,қошини чимиришига нима сабаб бўлди, деган саволларни ўзига бериб, уларга ўзи жавоб топиши керак.

“Шундай” ходиса рўй берганда,инсонда қандай ҳиссиётлар пайдо бўлади? деган саволларга,тафаккур орқали оғзаки жавоб топиш ўрнига,ўша ҳиссиётни ўзида уйғотишга, акс этдиришга ҳаракат қилиш керак.

Агар бўлғувси Актёр аввалига хикоя қилиб, аста-секин, кўрсатишга ўтса машқнинг фойдаси кўпроқ бўлади.Бундай машқларни сони қанчалик кўпайса шунчалик яхши бўлади.Бироқ,Актёр талабалар актёрлик маҳоратининг бошланғич унсурларини яхши ўзлаштириб олган бўлишлари шарт.Акс ҳолда бундай машқлар “тақлидчилик”дан бошқа нарса бўлмай қолади. Шунинг учун бундай машқларни одатда биринчи ўқув йилининг иккинчи ярми,иккинчи курслардан бажарилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқитувчи бундай машғулотларни қуйидагича ташкил қилиши мумкин.

Яъни талабалар бир ҳафта давомида инсонларга хос бўлган *юришни* кузатиб,сўнгра кузатганларини кўрсатиб берадилар.Бошқа сафар,қандай овқатланишни,тельефонда гаплашишни,спорт мусобақалари вақтида,телевизор рўпарасида ўзларини қандай тутишларини кўрсатиб берадилар.(Ҳар бир талаба ўзи кўрган ўрганган даражасида кўрсатади.)

Кейинчилик талалабалар ўзлари танлаган,ўзларига ёққан воқеа,ходисаларни кўрсатишлари мумкин бўлади.Бундай машғулотларни кўпайиб кетишидан сира қўрқмаслик керак.Талабалар қанчалик кўп машқ-этюд кўрсатсалар шунчалик фойдаси кўпроқ бўлади.

Актёрлик кузатувининг сўнгги босқичи бу мураккаброқ кўрсатувлардан иборат бўлиши керак. Яъни инсонларнинг айрим вазиятлардаги қисқа ҳолатларини кўрсатишдан секин-аста тугалланган воқеалар билан боғлиқ вазиятлардаги ҳаракатини кўрсатишга ўтишликдир.(яъни этюд шаклида)

Этюд инсон фаолиятининг ижтимоий,маънавий,мафкуравий сифатларини кўрсатиб беришликни ўз ичига олиши керак бўлади. Инсон қандай фикрлайди,эхтиросли вазиятларда ўзини қандай тутати?Аввалига **гапириб** беришдан бошлаб,кейинчалик шундай ҳолатларни **кўрсатиб** беришга ўтиш керак. Ўқитувчи, воқеалар танлашни талабалар ихтиёрига топширади.Манбани,воқеларни талабаларнинг ўзи танлаб, кўриб ўзи кузатади.Сўнгра ўзи кўрсатади. Мисол учун бири сартарош,иккинчиси дўхтир,учинчиси этикдўз,тўртинчиси бокс майдонидаги судья.Бундай машқ ва этюдларнинг сон-саноғи йўқ.

Исонларга хос бўлган хусусиятларни,энг қизиқ,таъсирли дақиқаларини бир кўришда ёдда сақлаб қолиш. уни гапириб бериш, сўнгра кўрсатиб бериш биз ўйлагандай осон иш эмас.Бунинг учун кўникма,тажриба керак.Бу нарсалар эса узлуксиз машқлар натижасида вақт ўтиши билан эгалланадиган қасбдир.Бунинг учун эса ўқишдан машқ қилишдан чарчамаслик зарур.

Назорат савол ва топшириқлари:

- 1..*Кузатиш дафтарига нималар ёзилиши керак?*.
- 2.*Актёр ҳикояси нимани тарбиялайди?*.
- 3..*” Актёрнинг кўрсатиб бериши” топширигига машқлар ўйлаб топинг..*

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

13. Махмудов Ж., Махмудова Ҳ. Режиссура асослари. - Т., 2008.
14. Сайфуллаев Б., Маматқосимов Ж. “Актёрлик маҳорати”. Т.:”Фан ва технологий” нашриёти . Дарслик. -2012.
15. Махмудов Ж. Махмудова Х. “ Актёрлик маҳорати”. - Дарслик. Т., 2008.
Ашурова М.Ҳ. Қўғирчоқ театри санъати актёрлик мактаби. Дарслик. –Т., 2007.
16. Жалилова Ф.-“Грим”-“ Наврўз” нашриёти -Т., Дарслик. 2014.
17. Абдуллаева М.-“Драматик театр ва кинода актёрлик маҳорати”-“Тафаккур қаноти” нашриёти -Дарслик. Т.,2014.

Қўшимча адабиётлар

20. Усмонов Р. «Режиссура». «Фан» Ўқув қўлланма. Т. 1997
21. Махмудова Ҳ. Актёрлик маҳорати. —Ўқув қўлланма. Т.: ЎзДСИ, 2008.
22. Юсупова М.Р. Упражнения по актёрскому тренингу. -Ўқув қўлланма. – Т., 2005.
23. Ашурова М.Ҳ. Қўғирчоқ театри актёри бўлими талабаларида қўғирчоқнинг бадиий ифодалаш хусусиятини тарбиялаш. —Ўқув қўлланма. Т., 2006.
24. Сундукова В.Н., Аҳмедова З.А. “К.С.Станиславский системаси атама ва унсурлари”. – “УМЕД” -Ўқув қўлланма. Тошкент, 2012.
25. К.С.Станиславский – Актёр ўз устида ишлаши –Т.Хўжаев таржимаси -Ўқув қўлланма. Т..2010.

26. Юсупова М.Р. История профессиональной режиссуры Узбекистана.—Т.: ЎзДСИ, 2004

Интернет ва Зиёнет сайтлари

13. www.мулоқот.уз
14. www.вазирлик.уз
15. www.узДСМИ.уз
16. www.инсититус.уз
17. www.парлиамент.гов.уз
18. www.гов.уз
19. www.уза.уз

5-маъруза

Актёр кузатувчанлигини тарбиялаш

Дарснинг ўқув мақсади:

Атрофингизда бўлаётган воқеа ва ходисаларни кузатиб уларда ўзингиз учун зарурий ижодий манба сифатида фойдаланашни ўзлаштирганингиздан сўнг,ўзингизга керак бўлган манбаларни қидириб топиш ва уларни ўрганишни ўзлаштиришингиз керак.Сизнинг касбингиз ва санъатингиз шундай фаолиятга асосланган .

К.С.Станиславский

Асосий адабиётлар саволлар:

1.Актёр кузатувчанлигини тарбиялаш да асосан эътиборни нимага қаратмоқ лозим?

Маъруза матни

К.С.Станиславский шундай деб ёзган эди:

“Мен одам бир-бири билан тўқнашганда ўзига юқтирадиган ҳиссиётлар,сезгилар,одатлар тўғрисида гапирмоқчиман. Бундай манбалар ва билимларни қидириб топиш осон иш эмас.Чунки бундай ҳиссиётлар инсонларнинг ичида,руҳияти, қайфиятида, инсон кўзидан яширинган бўлади.

Инсонлар камдан-кам вазиятларда ўз юракларини бошқаларга очиши мумкин.Шунинг учун уларнинг ташқи бошқа-ю ,ичи бошқа бўлади.Кўпинча инсонлар ўз изтироб,ғам таъвишларини инсонлар кўзидан яшириш учун,хотиржам кўринишга ҳаракат қиладилар.Бундай вазиятларда инсоннинг ичидагини билиш жуда ҳам қийин.Сиз кузатаётган шахсининг ички ҳолати,кайфияти,унинг муомиласи,хатти-ҳаракати,муносабатида сезилади. Ана шундай дақиқаларда объектни диққат билан кузатинг.”Нима учун мавжуд вазиятда у бундай оҳангда гаплашди,бундай кўлини силтади.бундай қадам ташлади.бундай қаради”дея ўз ўзингизга савол бериб уни шундай қилишга мажбур қилган ички туртки,ички омил,сабабини топишга ҳаракат қилинг.Шу йўл билан ўзингиз кузатаётган объектнинг кўнглида нима борлигини аниқлашга ҳаракат қилиб кўринг.Агар объектнинг ўй-фикрини,кўнглида нима борлиги топишга муваффақ бўлсангиз бу сиз учун бебаҳо ҳазина ҳисобланади.”

Биз тавсия этаётган машқлардан кўзлаган мақсадимиз ҳам айти шудир. кўзлагандир.

.Кузатувлар билан алмашиниш.Маълумки Актёр ўз кўрган - кузатганларини сахнада бевосита томошабин билан баҳам кўрмайди(агар Актёр бир вақтнинг ўзида актёр бўлмаса).

Актёрнинг вазифаси ўзи кўрган кузатганларини актёрга ўтказиши,уни ижодий қуроллантириш ҳамда тасаввурини бойитишдан иборат.Бундай вазиятда актёр тайёр маълумотларни бевосита ҳаётнинг ўзидан эмас Актёрдан олади.Бу кўрсатувлар,актёрнинг шахсиятига салбий таъсир кўрсатмаслиги,иззат-нафсига тегмаслиги ,ижодий томондан унимли бўлиши учун, Актёр ўз кўрган, кузатганларини қизиқарли тарзда тушинтириши,кўрсатиб бериши, шу йўл билан актёрни ўз ортидан эргаштира билиши зарур. Актёрни қизиқтирибгина

қолмай, унинг юрагини қизитиши, таъсирлантира олиши, илҳомлантириши керак. Лекин кўрганларини механик тарзда, шунчаки кўрсатиб беришнинг фойдадан кўра зарари кўпроқ бўлади.

Бундай **кўрсатиб** бериш самарадорлиги ошириш мақсадида қуйидаги машқларни тавсия этамиз:

Ўқитувчи талабалар орасидан ўз кузатувларини яхши кўрсатиб берган талабага шу кўзатганларини актёр ҳамроҳига ўргатишликни топширади. Актёр эса ўз курсдоши бўлиши ҳам мумкин. Бунда **Актёр** ўз кузатувларидан олган таъсуротини аввалига кўрсатиб бериш орқали, тушинтириш орқали, ўргатиши керак бўлади. Бу машқ бир неча марта ҳатто бир неча кун давом этиши мумкин. Асосий адабиётлар мақсад **Актёр** ўзи кўриб тасаввурияда яратган воқеликни ишонарли тарзда актёр томонидан ижро этиб беришидир (майлин бу машқ давомида актёр сезгиларни ҳаққоний чиқара олмасин, аммо ташқи хатти-ҳаракатлар айнан ўша кузатганидай бўлиши керак). Сўнгра кўрсатиб берган билан ижрочи ўрин алмашинадилар.

Мазкур машқлардан кўзланган мақсад, талабанинг кундалигини текшириш, кузатганларини гапириб бериши, кўрсатиб бериши орқали ўқувчига нарсаларга эътибор қилиш керак бўлади.

1. Ҳаққоний ва ёрқин таъсирчанлиги (кўрсатиб берганида ўзига хос оригиналлиги)

2. Кўрсатиб берилаётганга нисбатан талабанинг ўз муносабати (фикри, муносабати ва ҳиссиёти)

3. Бадиийлиги.

Ўқитувчи буларни бирданига талаб қилмай, бирин-кетин бу талабларни қўйиши керак бўлади.

Назорат савол ва топшириқлари:

1. Актёр кузатувчанлигини тарбиялаш да учун импровизацияга бир нечта машқлар бажаринг.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

18. Маҳмудов Ж., Маҳмудова Ҳ. Режиссура асослари. - Т., 2008.
19. Сайфуллаев Б., Маматқосимов Ж. “Актёрлик маҳорати”. Т.: “Фан ва технологий” нашриёти. Дарслик. -2012.
20. Маҳмудов Ж. Маҳмудова Х. “Актёрлик маҳорати”. - Дарслик. Т., 2008. Ашурова М.Ҳ. Қўғирчоқ театри санъати актёрлик мактаби. Дарслик. –Т., 2007.
21. Жалилова Ф.-“Грим”-“Наврўз” нашриёти -Т., Дарслик. 2014.
22. Абдуллаева М.-“Драматик театр ва кинода актёрлик маҳорати”-“Тафаккур қаноти” нашриёти -Дарслик. Т., 2014.

Қўшимча адабиётлар

27. Усмонов Р. «Режиссура». «Фан» Ўқув қўлланма. Т. 1997
28. Маҳмудова Ҳ. Актёрлик маҳорати. —Ўқув қўлланма. Т.: ЎзДСИ, 2008.
29. Юсупова М.Р. Упражнения по актёрскому тренингу. -Ўқув қўлланма. – Т., 2005.

30. Ашурова М.Х. Қўғирчоқ театри актёри бўлими талабаларида қўғирчоқнинг бадиий ифодалаш хусусиятини тарбиялаш. —Ўқув қўлланма. Т., 2006.
31. Сундукова В.Н., Аҳмедова З.А. “К.С.Станиславский системаси атама ва унсурлари”. — “УМЕД” -Ўқув қўлланма. Тошкент, 2012.
32. К.С.Станиславский – Актёр ўз устида ишлаши –Т.Хўжаев таржимаси -Ўқув қўлланма. Т..2010.
33. Юсупова М.Р. История профессиональной режиссури Узбекистана.–Т.: ЎзДСИ, 2004

Интернет ва Зиёнет сайтлари

20. www.muлоқот.уз
21. www.вазирлик.уз
22. www.узДСМИ.уз
23. www.инсититус.уз
24. www.парлиамент.гов.уз

6-маъруза

Актёрда тасаввур ва фантазияни ўстириш машқлари.

Дарсинг ўқув мақсади:

Бадиий асар воқеалари ҳақида кинолентани тасаввуримизда ярата олсаккина уни бошқаларга гапириб ,кўрсатиб беришимиз мумкин бўлади.
Асосий адабиётлар саволлар:

1. **Актёрда тасаввур ва фантазияни ўстириш учун асосан қандай машқлар бажариш мақсадга мувофиқ?**

Маъруза матни

“Бу қандай рўй берди”- машқи:(Адабий асар асосидаги кинолентани тасаввурда яратиш)Воқеалар батафсил ёзилган биронта адабий асардан парча ўқиб чиқилади.(Мисол учун Ойбекнинг “Навоий” романидан ёш Алишерни чўлда бир ўзи ўхлаб қолиб кетиши)Энди китобни ёпиб бир чеккага қўйингда,қадам ба қадам воқеалар тафсилотини бу ходисани қандай тарзда рўй берганини тасаввурингизда намоён қилишга уриниб кўринг.Бунда ходиса тафсилотини ипидан -игнасиғача кўз олдингизга келтиришга, чўлда эшитилиши мумкин бўлган овозларни эшитишга,атрофда нималар борлигини кўришга ҳаракат қилиб кўринг.

Мазкур вазифани бажариш жараёнида қатор тўсиқларга дуч келишингиз табиийдир.От устида ўхлаб қолган Алишерни қандайлигини кўз олдингизга келтиришга уринишингиз билан бу кийин муаммо эканлигига амин бўласиз.Алишер ёшлигида қандай кўринишга эга бўлган?Табиий яна романни варақлашга тушасиз.Лекин романда бу ҳақда етарли маълумот топаолмайсиз.Бунинг учун даставал унинг устида қандай, қайси рангдаги чопон борлигини,бошидаги кийими қандай шаклда,қайси рангда эканлигини,оёғида қандай пояфзал борлигини ва ниҳоят Алишер минган от қандай,қайси рангда, кўриниши қандай эканлигини аниқлаш керак бўлади.Лекин қандай қилиб? Фақат ўз тасаввур ва фантазиямизни ишга солиш орқали буни кўз ўнгига келтириш мумкин.

Яъни китобдан ўқиганларимиз,бошқа манбаълардан олинган маълумотлар,расмларда кўрган эшитганларимизни ҳаёлан бир ерга тўплаб уларни бир-бирига солиштириш орқали яхлит манзарани тасаввурда гавдалантириш мумкин бўлади.

Алишер уйқудан уйғониб атрофида бепоён сахрони қандай кўради? деган савол қўйсак,яна қатор саволлар пайдо бўлади.Аввало Алишернинг турган жойи қандай кўринишга эга?Ундан сўнг Алишер қаерда эканлигини билиши керак.Унинг кўзи дастлаб нимани кўрди?Шу атрофда оти ўтлаб юрипти дейилган.Ўша отнинг катталиги-ранги устидаги ёпинчиқлари,узангиси,югани, эгари қандай?

Яна тасаввурни ишга соламиз.Агар тасаввуримиз бизга керакли маълумотни тўғри етказиб берса,иш юришади.Борди-ю тасаввуримиз оқсаётган бўлсачи?

Сўнгра, Алишер отни тутишга ҳаракат қилади.Отнинг қайси томонидан яқинлашади.Отнинг муносабати қандай бўлди?

Алишер отга минмоқчи бўлди,Нега мина олмади? Шунга ўхшаш саволлар бирин-кетин Актёрнинг фикрида туғилиши керак.

Юқорида келтирган мисолларимиздан кўриниб туриптики.романни дастлаб ўқиганимизда ишга тушган тасаввуримиз жуда ҳам ночор ишлар экан.Сабаби бу соҳадаги билимларнинг ўзи ночор экан.Шунинг учун даставвал, тасаввурда воқеа ходисанинг умумий кўринишига алоқадор вазиятлар намоён бўлабошлайди.Саволлар чуқурлаштирилган сари аниқликлар билан бўш жойлар тўлдирилади.

Бадий асар воқеалари ҳақида мана шундай кинолентани тасаввуримизда ярата олсаккина уни бошқаларга гапириб ,кўрсатиб беришимиз мумкин бўлади.

Демак Актёрлик курсида машғулотлар талабанинг тасаввурини ,фантазиясини ўстиришга қаратилган бўлиши керак экан. Ўқитувчи ҳар бир талабага маълум бир адабиётни ўқиб чиқиши ундан парча танлаши ва ўша парчани маълум муддат ичида кинолента шаклида гапириб, тушинтириб бериши кераклигини топширади.

Талабанинг ҳикоя қилиб бериши жараёнида ўқитувчи унга турли (уст-боши қанақалиги,об-ҳаво қанақалиги,қайси фасл эканлиги ва шунга ўхшаш) саволлар бериб, гапириб берувчининг тасаввурини қитиқлаб уйғотиб,фаоллаштириб борса фойдадан ҳоли бўлмайди.

Юқорида тавсия этилган машқни бажариш жараёнида ҳикоя қилиб берувчининг тасаввурини тўғри йўналтириш,мақсад сари етаклаш учун талаба ҳикоянинг мавзусидан четлашиб кетишига,қаҳрамон шаклу-шамойилига,руҳиятига тескари бўлмаган сифатларни беришига,хаётий ҳақиқатдан узоқлашиб кетмасликка,бадий асар жанри ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатмасликка ҳаракат қилиши керак.

Шу билан бирга ҳикоя қилиб берувчи ҳикоя жараёнида воқеа-ходисаларга ўз муносабатини ҳам билдириб,съездириб кетиши зарур бўлади .

Кейинги машғулот тасвирланаётган манзара *рўй бергунча* ва *рўй бергандан* сўнг воқеа қандай *давом этиши* керак,деган кинолента.

Яъни бирон-бир таниқли рассом томонидан тасвирланган манзарани диққат билан кўздан кечирилади.Сўнгга расмда тасвирланган манзарага қадар қандай ходиса бўлиб ўтган эди,деган саволга тасаввур ва фантазия ёрдамида кўз ўнгида гавдалантириш. Қандай ходиса натижасида расмда акс этдирилган ҳолат пайдо бўлиши мумкинлигини тасаввур ойнасида яратишга уриниб кўринг.Яъни воқеалар ўзлуксиз занжирини тасаввур орқали яратиш натижасида расмда тасвирланган мизансаҳна пайдо бўлиши мумкин экан?

Мизансаҳна деганимизда *қаҳрамонларнинг берилган майдон ва маконда бир-бирига нисбатан ҳамда мавжуд буюмларга нисбатан жойлашуви ҳамда шаклий ҳолати (ракурс)* назарда тутилади.Бу тушунчани янада кенгайтирадиган бўлсак,қаҳрамоннинг шаклий туриши- ҳолати(ракурс) ҳам назарда тутилиши керак.Шундай йўл билан мизансаҳналарнинг олдинма-кетин ўзгариб туриши орқали,манзаранинг пластик таъсирли-нафис ифодавий шакли вужудга келади.

Мана шундай ўзлуксиз ҳаракатлар у ёки бу тасвирий асар-расмни ўрганиб тасаввур ва фантазия қилиш орқали пайдо бўлиши лозим.

Бундай натижага қандай йўл билан эришиш мумкин?

Аввало, мазкур мизансаҳнани унинг мазмун - моҳияти ҳамда шаклини синчиковлик билан ўрганиб таҳлил қилиш талаб қилинади.

Яъни мазкур манзарада акс этдирилган қаҳрамонлар, айна дамда кимлар хақида ўйлашмоқда, нималарни кўнглидан ўтказмоқда?

Ўртада турган одам ким?

У қаердан келди?

Қамоқданми? Урушданми? Даладанми? Тогдан тушдими?

Уни бу хонадонга қандай алоқаси бор?

Рассом шу асрари билан нима демоқчи?

Юқоридаги саволларга жавоб топиш учун рассомнинг ўз асари хақидаги фикрлари билан танишиб чиқиш керак. Ундан ташқари мазкур тасвир хақида кимлар нималар деган?

Токим қўйилган саволларга тўлиқ жавоб топилмагунча .фантазия мудраб ётаверади. Фантазия билан тасаввур ҳам уйқуда бўлади.

Қачонки расмда тасвирланган қаҳрамоннинг ички дунёси, ҳар бир ҳолатнинг келтириб чиқарган сабаб, қаҳрамоннинг юзи, кўз қарашини чуқур ўрганиш орқали у шу хонага кириб келгунга қадар бўлиб ўтган ҳодисаларни кўз ўнгимизга келтиришимиз мумкин экан. Биз воқеаларни расмда тасвирланган дақиқаларини ҳаёлан орқага қайтариш орқали, манзарада акс этдирилган ҳодиса бошлангунга қадар бўлиб ўтган воқеаларни билишимиз мумкин .

Мазкур вазифани кўнгилдагидай бажариб бўлганимиздан кейин уни шундай тасвирлаб бериш керак бўладики, токим уни эшитувчи ҳам кўз олдига келтираолсин. Тасаввурида ўша манзарани аниқ-тиниқ кўраолсин.

Шундан сўнг машғулотлар натижаси ўлароқ шу мавзуда кичик бир новелла шаклида ҳикоя ҳам ёзиб қўйиш керак бўлади.

Назорат савол ва топшириқлари:

1. Ўқиб чиқилган бадиий адабиётдан парчани талаба қай тарзда гапириб бермоғи лозим?

2. **“Рўй бергунча ва рўй бергандан сўнг воқеа”** бўйича кинолента учун машқ ўйлаб топиб бажаринг. кинолента.

3. Мизансаҳна деганда нимани тушунаси?

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

23. Маҳмудов Ж., Маҳмудова Х. Режиссура асослари. - Т., 2008.
24. Сайфуллаев Б., Маматқосимов Ж. “Актёрлик маҳорати”. Т.: “Фан ва технологий” нашриёти . Дарслик. -2012.
25. Маҳмудов Ж. Маҳмудова Х. “ Актёрлик маҳорати”. - Дарслик. Т., 2008.
Ашурова М.Х. Қўғирчоқ театри санъати актёрлик мактаби. Дарслик. –Т., 2007.
26. Жалилова Ф.-“Грим”-“ Наврўз” нашриёти -Т., Дарслик. 2014.
27. Абдуллаева М.-“Драматик театр ва кинода актёрлик маҳорати”-“Тафаккур қаноти” нашриёти -Дарслик. Т.,2014.

Қўшимча адабиётлар

34. Усмонов Р. «Режиссура». «Фан» Ўқув қўлланма. Т. 1997

35. Маҳмудова Ҳ. Актёрлик маҳорати. —Ўқув қўлланма. Т.: ЎзДСИ, 2008.
36. Юсупова М.Р. Упражнения по актёрскому тренингу. -Ўқув қўлланма. – Т., 2005.
37. Ашурова М.Ҳ. Қўғирчоқ театри актёри бўлими талабаларида қўғирчоқнинг бадиий ифодалаш хусусиятини тарбиялаш. —Ўқув қўлланма. Т., 2006.
38. Сундукова В.Н., Аҳмедова З.А. “К.С.Станиславский системаси атама ва унсурлари”. – “УМЕД” -Ўқув қўлланма. Тошкент, 2012.
39. К.С.Станиславский – Актёр ўз устида ишлаши –Т.Хўжаев таржимаси -Ўқув қўлланма. Т..2010.
40. Юсупова М.Р. История профессиональной режиссури Узбекистана.–Т.: ЎзДСИ, 2004

Интернет ва Зиёнет сайтлари

25. www.mulookot.uz
26. www.vazirlik.uz
27. www.uzdcmi.uz
28. www.инсититус.уз
29. www.парлиамент.гов.уз
30. www.гов.уз
31. www.yza.uz